


## «КЕЛИШИЛДИ»

Косон туман тиббиёт  
бирлашмаси  
танлов  
комиссиясининг

“01” Октябрь 2022  
йилдаги  
10-сонли йиғилиш  
баёнига асосан

## «ТАСДИҚЛАЙМАН»

Косон туман тиббиёт  
бирлашмаси  
бошлиги  
Ф.Р.Турсунов



«01» Октябрь 2022 й.

Косон туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Юқумли  
касалликлар шифохонасига пархез таом тайёрлаш  
Аутсорсинг хизматини бажарадиган ташкилотни  
таплаш бўйича

### ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Буюртмачи: Косон туман тиббиёт бирлашмаси

Косон – 2022 й.

## ТАРКИБИ

- I. Танлов иштирокчиси учун йўриқнома.
- II. Танловнинг техник қисми.
- III. Танловнинг нарх қисми.
- IV. Шартнома лойихаси.

## I. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

- 1 Умумий ҳолатлар. 1.1 Мазкур танлов ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралда «Лойиха олди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллантириши чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3550-сонли Қарори (кейинги ўринларда – Қарор) талабларига мувофик ишлаб чиқилган.
- 1.2 Танлов предмети:
- Косон туман тиббиёт бирлашмаси Юқимли касалликлар шифохонасига пархез таом тайёрлаш Аутсорсинг хизматини бажариш учун
- 1.3 Косон туман тиббиёт бирлашмаси Юқимли касалликлар шифохонаси хўжалик мудиринг талабномаси танловни ўтказиш учун асос ҳисобланади.
- 1.4 **Танловни ўтказишда унинг чегара қиймати**  
шартноманинг умумий қиймати 01 октябр ойидан 31 декабргача бўлган давр учун 210 000 000.00 ( Икки юз ўн миллион ) сўмдан ошмаслиги зарур.  
(танловда таклиф қилинган нархлар ундан юқорини ташкил қиласлиги зарур)
- 1.5 Харид қининадиган хизматлар техник топшириги мазкур танлов ҳужжатларининг иловасида келтирилган.
- 1.6 Танлов комиссияси йигилишининг шакли – юзма-юз.
- 2 Танлов ташкилотчилари 2.1 Косон туман тиббиёт бирлашмаси танлов буюртмачиси (кейинги ўринларда – буюртмачи) ҳисобланади.  
«Буюртмачи» манзили:

Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Қўйи Оброн МФЙ, 180800.

«Буюртмачи» реквизитлари:

МФО 00014,

ИНН 201615066

х/р 100022860102297073201054008

«Марказий банк Тон ш» ХКМ

2.2

Танлов ташкилотчиси контакти:

Шартнома мажбуриятларини бажариш ва болалар бўлими, бўлим бошлиги

Тел.: Моб: (75) 592 46 03

e-mail: [косон.tssb@minzdrav.uz](mailto:косон.tssb@minzdrav.uz)

Техник саволлар бўйича масъул контакти:

И. Ҳудойназаров Тел.: (97) 200 31 84

2.3

Танлов комиссияси ишчи органи:

Косон туман тиббиёт бирлашмаси иш ва хизматлар танловини амалга оширувчи танлов комиссиясининг танловларни ўтказишдаги ишчи органи масъул котиби («кейинги ўринларда – танлов комиссияси»).

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Қўйи Оброн МФЙ 180800

2.4

Шартнома тузувчи: Косон туман тиббиёт бирлашмаси

2.5

Танлов буюртмачи томонидан ташкил килинган танлов комиссияси томонидан ўтказилади.

3 Танлов иштирокчиси

3.1

Танловда мазкур танлов ҳужжатларининг 4.2-бандида кўрсатилган юридик шахслардан бошқа, мулқилик шаклидан қатъий назар барча турдаги юридик шахслар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари иштирок этиши мумкин

4	Танловни ўтказиш тартиби	4.1	<p>Танлов иштирокчиси танловда қатнашиши учун:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– танлов шартлари билан түлік таниши учун махсус ахборот порталыда жойлаштырылған танлов хужжатларининг электрон шаклини олиши (юклаб олиши);</li> <li>– танлов хужжатларидан күрсатылған талабларни эътиборга олган холда унда иштирок этиши тұғрисида расмий танлов тақлифи бериши зарур.</li> </ul>
4.2		4.2	<p>Танловга қуйидаги иштирокчиларнинг иштирок этишига йўл кўйилмайди:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– шартномани бажарини учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларининг мавжуд эмаслиги;</li> <li>– шартнома тузили учун конуний ҳукукка эга эмаслик, шу жумладан, мазкур хизматларни амалга ошириши учун талаб қилинадиган лицензия/гувоҳноманинг мавжуд эмаслиги;</li> <li>– соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича карздорликнинг мавжудлиги;</li> <li>– ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжудлиги;</li> <li>– буюртмачи билан охирги уч йил ичидан тузган шартномавий муносабатларни етарли даражада бажармаган бўлса;</li> <li>– буюртмачи билан суд тартибида ва судгача бўлган масалалар кўрилаётган бўлса;</li> <li>– Инсофез изрочиларнинг ягона реестрида кайд этилганлиги.</li> </ul>
4.3		4.3	<p>Буюртмачи қўйидаги ҳолларда иштирокчини харид килиши таомилида иштирок этишдан четлаштиради:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– иштирокчи тўғридан-тўғри ёки воситали тарзда буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг ҳозирги мансабдор шахсига ёки собиқ ходимига давлат харидлари жараёнида бирон-бир ҳаракатни амалга ошириши, карор кабул килиши ёки бирон-бир танлов таомилини қўллашига таъсир кўрсатиш мақсадида ҳар кандай шаклдаги мукофот, ишга олишни ёки ҳар кандай кимматбаҳо буюм ёки хизмат кўрсатишни тақлиф килган, берган ёки буига рози бўлган тақдирда;</li> <li>– иштирокчи адолатсиз танлов устунлигига эга бўлса ёки конунга зид бўлган манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлса.</li> </ul>

5	Танлов тили, ўлчов бирликлари.	5.1	Танлов таклифи ҳамда иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган у билан боғлиқ бўлган барча ёзишмалар, ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида бўлиши керак. Техник таклифлар рус тилида берилишига йўл қўйилади.
5.2	Танлов таклифида метрик ўлчов тизимидан фойдаланилиш шарт.		
6	Танлов таклифлари ва уларни расмийлаштириш шартлари	6.1	Танлов иштирокчиларининг таклифлари эълонда белгиланган тартиб асосида танлов ўтказиш тўгрисидаги эълонда кўрсатилган манзилга муҳрланган конвертларда (конвертнинг елиманган жойига иштирокчининг муҳри босилади) тақдим этилади, унда техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлигига оид маълумотлар техник ва тижорат таклифлари билан бирга бўлиши керак.
6.2	Танлов иштирокчиларининг таклифлари ип билан тикилган, ракамланган, муҳр кўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг хар бир вараги имзоланган ҳолда тақдим этиши тавсия этилади.		
6.3	Иштирокчининг танлов таклифи танлов комиссияси томонидан ишчи органга почта орқали ёки иштирокчи ваколатли шахси орқали етказилади. Танлов таклифи берилиши санаси ва вакти ишчи орган томонидан танлов таклифларини рўйхатта олиш журналида кайд килинади ва иштирокчи ваколатли шахси имзоси билан тасдиқланади (агарда у мавжуд бўлса)		
6.4	Танлов иштирокчиси:		
6.5	– тақдим килинаётган маълумотлар ва ҳужжатларнинг хақиқийлиги ва ишончлилиги учун масъул хисобланади;		
	– фақат битта таклиф бериш ҳукуқига эга;		
	– тақдим килинган таклифни бундай таклифларни бериш муддати тугагунча қайтариб олиш ёки унга ўзгаририш киритишига ҳақли.		
	Танлов таклифи икки қисмдан иборат бўлади:		

1) техник кисми Буюртмачининг техник топширигига кўрсатилган талабларга мос келини ва таклиф килинаётган хизмат тўгрисида батафсил ёритилган бўлиши зарур;

2) нарх кисми танлов шартларига мувофик бўлиши ва товар (хизмат, иш) номланиши, товарнинг (хизматнинг, ишнинг) бир бирлиги нархи, умумий киймати, етказиб бериш шартлари ва муддатлари, тўлов шакли, таклифи амал килиш муддати ва х.к. каби маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

6.6

Иштирокчи таклифларни раҳбар имзоси ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган ҳолда тақдим килиниши зарур. Нархга оид таклиф ҳам бошлангич шаклда берилади.

Танлов таклифи слимланган конвертда конвертнинг слимланган жойида иштирокчининг муҳри кўйилган ҳолда тақдим килинади.

6.7

Конвертда қуидагилар кўрсатилиши зарур (8 шаклга мувофик):

- танлов предмети номи;
- иштирокчининг номи;
- буюртмачининг номи ва унинг мағзили;
- «таклифларни бериш муддати тугагунга қадар очилмасин» (конвертларни очиш санаси ва вакти кўрсатилади)» ёзуви.

6.8

Техник таклифлар қуидаги хужжатларни ўз ичига олиши зарур:

- мазкур йўриқнома иловасидаги 6 шаклга мувофик таклиф килинаётган маҳсулот (товар/ишлар) техник характеристикалари техник топширикка таққосланган ҳолдаги жадвал кўринишида техник таклифлар;
- мазкур турдаги хизматни амалга ошириш учун рухсат берилганлиги тўгрисида тасдиқловчи хужжатлар;

- бошка техник хужжатлар (брюшора, техник паспортлар, йўриқнома ва бошка хужжатлар).

6.9

Нарх кисми бўйича хужжатларнинг мавжуд бўлиши зарурлигига талаблар:

- мазкур йўриқнома иловасидаги 7 шаклга асосан тўлдирилган таклиф килинаётган нарх тўгрисидаги маълумотлар.

6.10

Ишчи орган (шартнома маъбуриятларини бажарилишини ва газначилик бўлими) танлов таклифлари солинган конвертларнинг бутлиги ва инсончли сакланишига жавобгар хисобланади.

6.11

Танловгага таклифларни кабул килиш маҳсус ахборот порталаида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.

Танлов таклифлари Узбекистон Республикаси,

			Қашқадарё вилояти, Коғи тумани, Қўйи Оброн кишлоги, 180800. почта индикси манзили бўйича қабул қилинади.
		6.12	Белгиланган муддатдан кейин тақдим қилинган хужжатлар кўриб чиқилмайди ва қайтариб юборилади.
7	Танлов тақлифларини бериш муддатларини узайтириш	7.1	Тақлифнинг амал қилиш муддати танлов тақлифлари қабул қилиш тугайдиган кундан кейинги кейин камидаги 10 кунга амал қилиши зарур.
7	Танлов тақлифларини бериш муддатларини узайтириш	7.2	Иштирокчининг асослантирилган илтимосига асосан танлов комиссияси танлов тақлифлари қабул қилиш санасини кўчириши (узайтириши) мумкин. Бунда кўчириладиган (узайтириладиган) муддат танловнинг барча иштирокчилари учун тадбиқ этилади.  Танлов тақлифларини қабул қилиш муддати ўзгарганилиги (узайтирилганлиги) тўғрисидаги огохлантириш танловда иштирок этаётган барча иштирокчиларга почта, электрон почта ёки факс орқали юборилиши зарур.
8	Танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш	8.1	Танлов тақлифларини тақдим қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги эълон маҳсус ахборот порталида жойлантирилади.
8	Танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш	8.1	Давлат буортмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидаги уч кун олдин қарор қабул қилишга хақли.  Танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш давомида товарни (ишини, хизматни) ёки унинг хусусиятларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда тақлифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камидаги ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.
9	Танлов иштирокчиларининг тақлифларини кўриб чиқиш ва баҳоласи	9.1	Эълонда танловни ўтказиш вақти сифатида кўрсатилган вақтда харид комиссияси танлов иштирокчилари томонидан берилган тақлифлар солинган конвертларни тақлифларни баҳолаш учун очади. Танлов иштирокчisinинг ваколатли вақили конвертларни очиш тартиб-таомили чогига хозир бўлишга хақли.

- 9.2 Танлов иштирокчиларининг тақлифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати тақлифлар берини тугаган пайтдан эътиборан ўн кундан кўп бўлиши мумкин эмас.
- 9.3 Танлов иштирокчилари томонидан берилган тақлифлар танлов хужжатларининг талабларига мувофик бўлса, у тегинили тарзда расмийлаштирилган деб топилади.
- Агар тақлифи киритган танлов иштирокчисининг тақлифи, уни расмийлаштирилиши мазкур танлов хужжатлари талабларига мос келмаса, танлов комиссияси ушбу танлов иштирокчиси тақлифини рад этади ва кўриб чиқилмайди.
- 9.4 Танлов ғолибини танлов хужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида аникланаш учун харид комиссияси рад этилмаган тақлифларни баҳолашни амалга оширади.
- Танлов хужжатларини баҳолаш мақсадида танлов комиссияси комиссия аъзолари ва/ёки экспертлардан (заруриятга кўра мустакил экспертлардан) иборат бўлган баҳоловчи гурӯх тузишга ҳақли.
- 9.5 Танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган хужжатлардаги ахборот ишончсиз эканлиги аникланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини харид килиш тартиб-таомилининг исталған боскичида танловда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.
- 9.6 Танлов хужжатларида ва тақлифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришининг ёни яхши шартларини тақлиф қилган танлов иштирокчиси голиб деб топилади (2 илова).
- Танловда иштирок этишдан четлаштирилмаган танлов иштирокчиларининг тақлифлари нарҳ кисми бўйича ҳам батафсил кўриб чиқилганидан ва баҳоланганидан кейин танлов тақлифларининг барчаси умумий ҳолда баҳоланади.
- 9.7 Агар тақлиф Конун, Қарор ва танлов хужжатларининг талабларига мувофик бўлса, у тегинили тарзда расмийлаштирилган деб топилади.
- 9.8 Тақлифни киритган танлов иштирокчиси Конунда, Қарорда ва ушбу танлов хужжатларида белгиланган талабларга мос келмаса харид комиссияси бундай тақлифни рад этади.
- 9.9 Баҳолаш пайтида танлов комиссияси танлов иштирокчиларидан тақлифлари бўйича тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён расмий равишда ёзма шаклда танлов ташкилотчиси (шартнома мажбуриятларини бажариш ва газначилик бўлими) орқали белгиланган тартибда олиб борилади.

		Түшунтириши жараёнида таклифнинг моҳияти, шунингдек нархи юзасидан бирор-бир ўзгартиришиларга йўл кўйилмайди.
9.10		Танлов хужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришининг энг яхши шартларини таклиф килган танлов иштирокчиси галиб деб топилади.
9.11		Танлов таклифларида арифметик ёки исталган бошқа хатолар мавжудлиги аниқланганда, бундай таклифлар танлов комиссияси томонидан кўриб чикиш рад этилиши мумкин. Бу ҳакида танлов иштирокчисига маълум килинади.
9.12		Барча учун танлов таклифларининг бир хиллигини таъминлаш ва уларнинг нархини баҳолашда мувозанатни саклаш учун танлов иштирокчиларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан келиб чикиб кўлланиладиган имтиёзлар ва преференциялар инобатта олинади.
9.13		Таклифларни кўриб чикиш ҳамда баҳолаш натижалари таклифларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомасида қайд этилади.
9.14		Таклифларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичida махсус ахборот порталаида эълон килинади.
9.15		Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси эълон килинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳакли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичida танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
10	Томонларнинг жавобгарлиги ва махфийликнинг амал қилиши	<p>10.1</p> <p>Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан куйидагиларга жавобгарлик юклатилган:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– ишчи орган (шартнома мажбуриятларини бажариш ва газначилик бўлими) аъзолари хисобланган шахсларга – келиб тушган танлов таклифларининг бутлиги, махфийлиги ва бошқа шахсларга ошкор килинмаслиги бўйича;</li> <li>– танлов комиссияси раиси ва аъзоларига, жалб килинган мутахассис ва экспертларга – маълумотларнинг ошкор килинмаслиги, танлов иштирокчилари, жалб килинган</li> </ul>

мутахассис ва экспертлар билан қайсиdir иштирокчига устунлик бериши ёки қайсиdir иштирокчини камситиш/четлатиш максадида тил бириктирмаслик ва бошка ноконуний хатти-харакатларни амалга оширмаслик бўйича;

– танлов голибига – Ўзбекистон Республикаси конунчилиги ва/ёки тузилган шартнома шартларига кўра ўзига юклатилган шартнома мажбуриятларини (микдор, сифат, амалга ошириш/етказиб бериш муддати, бошка техник талаблар) бажармаган ёки етарли даражада бажармаганлиги бўйича.

11	Бошка шартлар	11.1	Буюртмаси танлов иштирокчисидан таклиф килинган товар (хизмат/иш) бўйича шундай товар (хизмат/иш) иштирокчи томонидан илгари етказиб берилган (кўрсатилган) учинчи шахсдан фикр-мулоҳаза сўраши мумкин.
		11.2	Танлов иштирокчisi танлов ҳужжатларидағи талабларни, танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда (9 шакл) тушунтириш талаби билан буюртмачига сўров юборилига хақли.
		11.3	Буюртмачи сўров келиб тушган санадан ётиборан икки иш куни ичиди, агар мазкур сўров буюртмачига таклифлар бериши мулдати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга жавоб юбориши шарт.
		11.4	Танлов комиссияси томонидан қўйидаги ҳолларда танлов ўтказилмаган деб топилиши мумкин:
			тандовда битта иштирокчи иштирок этгани ёки биронта иштирокчи иштирок этмаган тақдирда;
			– тақдим килинган барча танлов таклифларида зарурий ҳужжатлар етарлича тақдим килинмаган бўлса ёки танлов таклифларини баҳолаш чоғида улар томонидан тақдим килинган таклифларнинг барчаси комиссия хуносасига кўра четлаштирилган бўлса.
		11.5	Буюртмачи голиб бўлган таклиф акцептига қадар исталган вақтда танловни бекор қилиш хукукига эга. Танлов бекор қилинган тақдирда буюртмачи порталда мазкур карорнинг асослантирилган сабабларини эълон қиласди.
12	Шартномани расмийлантириши	12.1	Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчisi томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида голиб аниқланган вақтдан ётиборан ўн кундан

кечикирмажан муддатда тузилади.

12.2

Танлов натижаларига кўра танлов голиби деб тонилган иштирокчига буюртмачи томонидан унинг танловда ғолиб бўлганилиги ва белгиланган шартлар бўйича шартнома тузилиши тўғрисида расмий хат юборилади.

12.4

Танлов ғолиби танлов шартлари асосида шартнома тузишдан бош торган ҳолларда шартнома тузиш хуқуки захира ижрочисига ўтади. Бунда захира ижроиси танлов ғолиби таклиф қилган нархда шартнома тузилиши мумкин ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

Косон туман Тиббиёт бирлашмаси  
бошлиғининг даволаш ишлари бўйича  
биринчи ўринбосари

Косон туман тиббиёт бирлашмаси  
бош хособчиси

Косон туман тиббиёт  
бирлашмаси бош иқтисодчиси

Туман тиббиёт бирлашмаси  
касаба ўюшма раиси

Туман тиббиёт бирлашмасига  
қарашли Юқимли касалликлар шифохона  
бош врачи

Туман тиббиёт бирлашмасига  
қарашли Юқимли касалликлар шифохонаси  
Хўжалик мудири

Ш.Х.Аминов

И.Н. Хўдойназаров

Р.Д. Абдуллаев

Ш.Н. Эргашов

И.Х.Каромов

Ф.М.Жўмаев